## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

129 Олий таълим муассасаларининг рахбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўгрисидаги низомга ўзгартириш ва қушимчалар киритиш хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг рахбар ва педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» 2015 йил 12 июндаги ПФ−4732-сон Фармонига мувофик олий таълим муассасалари педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг ўкитиш шакллари ва усулларини, педагог кадрлар таркибининг сифат даражасини замонавий талаблардан келиб чиккан холда такомиллаштириш максадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:** 

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 442-модда) билан тасдиқланған Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й.



9 (769)-сон 129-модда

педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўгрисидаги низомга иловага мувофик ўзгартириш ва кўшимчалар киритилсин.

- 2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукукий хужжатларни бир ой муддатда ушбу карорга мувофиклаштирсин.
- 3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Таълим ва илм-фан масалалари ахборот-тахлил департаментига ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.С. Касимов зиммасига юклансин.

## **Узбекистон Республикасининг** Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш., 2017 йил 27 февраль, 103-сон

> Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 27 февралдаги 103-сон қарорига ИЛОВА

## Олий таълим муассасаларининг рахбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўгрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

- 1. 12-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «12. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўкиш якунлари буйича аттестациядан ўтмаган олий таълим муассасаларининг рахбар ва педагог кадрлари бир йил мобайнида пулли асосда ўкишнинг тегишли ёки турдош йўналиши (мутахассислиги) буйича кейинги қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси якунида аттестациядан ўтиши шарт.

Олий таълим муассасалари рахбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини такроран ўзлаштириши асосий ишдан ажралмаган холда курсларнинг ўқув дастурларини мустақил равишда ёки масофадан ўкитиш усуллари орқали ўзлаштириш асосида амалга оширилади.

Мустақил равишда ёки масофадан ўқитиш усуллари орқали қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўкув дастурлари бўйича тайёрланиб келган тингловчилар якуний аттестацияга киритилади. Якуний аттестация тегишли йўналишлар бўйича таянч олий таълим муассасалари хузуридаги аттестация комиссиялари томонидан амалга оширилади».



9 (769)-сон — 17 — 129-модда

- 2. Қуйидаги мазмундаги 121-банд қушилсин:
- «121. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида узрсиз сабабларга кура дарс қолдиргани учун тингловчилар сафидан чиқарилган олий таълим муассасаларининг рахбар ва педагог кадрлари пулли асосда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсидан такроран утиши хамда уқишнинг тегишли йуналиши (мутахассислиги) буйича кейинги қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсида аттестациядан утиши шарт.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан такроран ўтиш 288 соат хажмида ташкил этилади».

- 3. 13-банднинг иккинчи хатбошидаги «3 йил» сўзлари «бир йил» сўзлари билан алмаштирилсин.
- 4. 16-бандни ўзбек тилидаги матнининг учинчи хатбошидаги «базавий» сўзи «таянч» сўзи билан алмаштирилсин.
- $5.\ 18$ -банднинг учинчи хатбошидаги ва 35-банднинг иккинчи хатбошидаги «Низом 12 ва 13-бандларининг» сузлари «Низом  $12^1$  ва 13-бандларининг» сузлари билан алмаштирилсин.
  - 6. 23-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «23. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: умумий рахбарликни амалга оширади, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўкув жараёнини такомиллаштириш механизмлари ва услубларини белгилайди, тегишли норматив-хукукий хужжатларни (масофадан ўкитиш таълим усулларини ташкил этиш ва ўтказиш, тингловчиларининг битирув (лойиха) ишини тайёрлаш ва химояга такдим этиш, педагогик (малакавий) амалиётни ташкил этиш ва ўтказиш тартибларини) тасдиклайди, шунингдек қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларининг олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлар классификатори билан мутаносиблигини таъминлайди;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан, шунингдек масофадан ўқитиш усуллари орқали курслардан ўтиши керак бўлган тингловчиларнинг прогноз қилинаётган контингентини белгилайди;

олий таълим муассасалари рахбар ва педагог кадрларининг талаб қилинадиган малакасини таъминлаш буйича мақсадли топшириқларни тасдиқлайди».

- 7. 24-бандда:
- а) ўзбек тилидаги матннинг тўртинчи хатбошидаги «базавий» сўзи «таянч» сўзи билан алмаштирилсин;
  - б) қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қушилсин:
- «курслар якунидаги аттестациядан ўтмаган тингловчилар учун таянч олий таълим муассасалари томонидан тегишли йўналишларнинг ўкув дастурига мос холда ишлаб чикилган ўкув-методик ресурслар асосида масофадан ўкитишнинг онлайн ва оффлайн шаклларида такрорий кайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил этади»;
- в) олтинчи ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.
  - 8. 25-бандда:



129-модда

- а) қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:
- «масофадан ўқитиш усуллари асосида олий таълим муассасалари педагог кадрлари учун ташкил этиладиган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг тегишли ўқув-методик ресурсларини ишлаб чиқади»;
- б) тўртинчи саккизинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи тўққизинчи хатбошилар деб хисоблансин.
  - 9. 30-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қушилсин:
- «Масофадан ўқитиш усуллари асосидаги такрорий курсларда ўкув машғулотлари онлайн ва оффлайн шаклларида ташкил этилади».
  - 10. 32-бандга қуйидаги мазмундаги хатбошилар қушилсин:
  - «Истисно тариқасида:

тингловчилар контингенти етарли бўлмаган йўналишларда, жумладан рус ёки қорақалпоқ тилида дарс олиб бориладиган гурухларда, тингловчилар контингенти бир гурух меъёрида йигилмайдиган кам сонли алохида таълим йўналишларида ўкув жараёнини ташкиллаштиришда бир гурухдаги тингловчилар сони камида 5 нафар этиб белгиланиши мумкин;

йил давомида 5 нафаргача педагог кадрлар йигилмайдиган алохида таълим йўналишларида малака ошириш гурухи мавжуд холатдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган холда, қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таянч олий таълим муассасасининг буйруги билан тингловчилар сони 5 нафардан кам гурух шакллантирилиши ёки улар учун малака ошириш масофадан ўқитиш усуллари орқали амалга оширилиши мумкин».

- 11. 34-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қушилсин:
- «Масофадан ўқитиш усуллари асосидаги такрорий курсларда тингловчиларнинг ассисмент топшириқлари (жорий назорат) онлайн шаклида ташкиллаштирилади».
- 12. Низомга илованинг (Олий таълим муассасаларининг рахбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш схемасининг) 5-босқичидаги «пулли асосда курслардан такроран ўтиши ва ўқишнинг тегишли йўналиши» сўзлари «пулли асосда ўқишнинг тегишли йўналиши» сўзлари билан алмаштирилсин.

